



ЭРТА НЕОНАТАЛ ДАВРИДАГИ СОҒЛОМ ВА ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНЛАРИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ЭХОКАРДИОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Саидова Садоқат Йўлдошова

Бухоро давлат тиббиёт институти

Аннотация: Тақдим этилаётган илмий ишда турли шаклдаги соғлом ва туғма юрак нуқсони билан туғилган чақалоқларда эхокардиографик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: юрак туғма нуқсони, ЭХОКГ текшируви, оқ нуқсонлар, кўк нуқсонлар.

Мавзунинг долзрблиги

Дунёда чақалоқлар ўлимини камайтириш соғлиқни сақлаш тизимининг давлат даражасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда болалар орасида туғма юрак нуқсони билан туғилиш кўрсаткичи ошиб бориши кузатилмоқда. Ҳозирги кунда туғма юрак нуқсони тарқалиши бўйича болалардаги бошқа ривожланиш нуқсонларига нисбатан солиштирганда мавқеи ва ўлим даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Тиббиётда юрак-қон томир касалликлари ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади [1,5].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, барча ўлим ҳолатларининг 56 фоизи юрак-қон томир тизими касалликлари оқибатида келиб чиқади. Европа мамлакатларида юрак-қон томир касалликлари йилига 4,3 млн (48%) аҳоли ўлимига сабабчи бўлади. Шимолий мамлакатлардан Америкада туғма юрак нуқсони билан туғилиш кўрсаткичи тирик туғилган болалар орасида - 8,2/1000 тани ташкил этади [4,6].

ТЮН лари орасида қоринчалараро тўсиқ нуқсонлари (ҚТН) энг кенг тарқалган булиб, умумий тузилишда эса 20% ҳолларда изоляция қилинган ҚТН



ли болалар мавжуд. Кичик, гемодинамик жихатдан аҳамиятсиз мушак нуқсонларининг 90% га яқини боланинг 10 ойлигида ўз - ўзидан ёпилиши аниқланган. Ҳажми бўйича ҚТНлар кичик (4 мм гача) ва кенг бўлиши мумкин. 30 - 50% ҳолларда ҚТН юқори ўпка гипертензияси (ЎГ) ривожланиши билан мураккаблашади, бу эса прогрессив ҳисобланади. Ўпка артериясидаги бу босим очик артериал йўлининг (ОАЙ) диаметрига боғлиқ эмас [3,7,2].

Тадқиқот мақсади. Бухоро вилоятида соғлом ва туғма юрак нуқсонлари билан туғилган чақалоқларда эхокардиографик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилини ўрганиш.

Тадқиқот материал ва усуллари

Мазкур ишда Бухоро вилоятида соғлом ва туғма юрак нуқсони билан туғилган чақалоқларда эхокардиографик текширув таҳлили тақдим этилган. Текширув мақсадида соғлом ва туғма юрак нуқсони билан туғилган бўлган 48 нафар болаларда ўтказилди.

Тадқиқот натижалари

Чақалоқ болаларда аорта кенглиги 7,1 дан 11,3 мм гача ўзгариб, ўртача - $9,7 \pm 0,29$ мм ни, чап бўлмача кенглиги 9,1 дан 12,0 мм гача бўлиб, ўртача - $10,4 \pm 0,20$ мм ни ташкил этади.

Чақалоқ болаларда ўнг қоринча деворининг қалинлиги 6,1 дан 12,2 мм гача ўзгариб, ўртача - $9,5 \pm 0,42$ мм ни, қоринчалараро тўсиқ девори қалинлиги 2,6 дан 5,4 мм гача ўзгариб, ўртача - $4,0 \pm 0,19$ мм ни, охири диастолик катталики 7,0 дан 12,0 мм гача бўлиб, ўртача $9,6 \pm 0,35$ мм ни, чап қоринча орқа девори қалинлиги 5,0 мм дан 9,0 мм гача ўзгариб, ўртача - $7,0 \pm 0,28$ мм ни, охири систолик катталики 3,0 дан 6,4 мм гача бўлиб, ўртача $4,6 \pm 0,23$ мм ни ташкил қилди.

Шу ёшдаги болаларда юракнинг отилиш фракцияси 54,3 дан 75,0% гача ўзгариб, ўртача - $62,0 \pm 1,44$ % ни, охири диастолик ҳажм 2,5 дан 6,5 мл гача, ўртача - $4,4 \pm 0,28$ мл, охири систолик ҳажм 1,40 мл дан 2,0 мл гача ўзгариб, ўртача - $1,62 \pm 0,04$ мл, зарб ҳажми 5,2 мл дан 8,8 мл гача ўзгариб, ўртача - $7,2 \pm 0,25$ мл эканлиги маълум бўлди.



Чақалок болаларда юрак қисқариш сони 66,0 дан 138,0 та гача ўзгариб, ўртача - $108 \pm 5,04$ та ни, ўпка артериясида қон айланиш тезлиги 1,15 дан 1,86 м/с гача, ўртача - $1.40 \pm 0,04$ м/с ни, митрал клапанда қон айланиш тезлиги эса 0,62 м/с дан 1,40 м/с гача ўзгариб, ўртача - $1,0 \pm 0,05$ м/с ни, трикуспидал клапанда қон айланиши 0,70 дан 1,30 м/с гача ўзгариб, ўртача - $1,0 \pm 0,04$ м/с ни, шу ёшдаги соғлом болаларда аортада қон айланиш тезлиги 1,0 дан 1,58 м/с гача, ўртача - $1,30 \pm 0,04$ м/с, ўпка стволи асоси кенглиги 6,4 дан 12,0 мм гача, ўртача - $9,6 \pm 0,39$ мм ни ташкил этди.

Туғма юрак нуқсони билан туғилган чақалок болаларда аорта кенглиги 10,0 дан 14,0 мм гача ўзгариб, ўртача - $11,3 \pm 0,36$ мм ни, чап бўлмача кенглиги 11,0 дан 13,0 мм гача бўлиб, ўртача - $11,7 \pm 0,18$ мм ни ташкил этади. Туғма юрак нуқсони билан туғилган ўғил болаларда ўнг қоринча деворининг қалинлиги 9,6 дан 11,5 мм гача ўзгариб, ўртача - $10,6 \pm 0,17$ мм ни, қоринчалараро тўсиқ девори қалинлиги 5,0 дан 6,0 мм гача ўзгариб, ўртача - $5,4 \pm 0,09$ мм ни, охириги диастолик катталиқ 12,0 дан 14,0 мм гача бўлиб, ўртача $13,0 \pm 0,18$ мм ни, чап қоринча орқа девори кенглиги 4,0 мм дан 5,0 мм гача ўзгариб, ўртача - $4,5 \pm 0,09$ мм ни, охириги систолик катталиқ 6,0 дан 10,0 мм гача бўлиб, ўртача $7,5 \pm 0,36$ мм ни ташкил қилди.

Шу ёшдаги болаларда юракнинг отилиш фракцияси 75 дан 89,0% гача ўзгариб, ўртача - $82,6 \pm 1,28$ % ни, охириги диастолик ҳажм 4,0 дан 8,0 мл гача , ўртача - $5,5 \pm 0,36$ мл, охириги систолик ҳажм 1,0 мл дан 4,0 мл гача ўзгариб, ўртача - $2,4 \pm 0,27$ мл, зарб ҳажми 3,0 мл дан 5,0 мл гача ўзгариб, ўртача - $3,9 \pm 0,18$ мл эканлиги маълум бўлди.

Чақалок болаларда юрак қисқариш сони 130,0 дан 156,0 та гача ўзгариб, ўртача - $143 \pm 2,39$ та ни, ўпка артериясида қон айланиш тезлиги 1,88 дан 3,0 м/с гача, ўртача - $2.33 \pm 0,10$ м/с ни, митрал клапанда қон айланиш тезлиги эса 1,07 м/с дан 1,40 м/с гача ўзгариб, ўртача - $1,24 \pm 0,03$ м/с ни, трикуспидал клапанда қон айланиши 0,97 дан 1,09 м/с гача ўзгариб, ўртача - $1,01 \pm 0,01$ м/с ни, шу ёшдаги болаларда аортада қон айланиш тезлиги 1,13 дан 1,88 м/с гача, ўртача -



1,49±0,06 м/с, ўпка стволи асоси кенглиги 6,0 дан 9,0 мм гача, ўртача - 6,8±0,27 мм ни ташкил этди.

Хулоса. Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики соғлом ҳамда турли шаклдаги туғма юрак нуқсони билан туғилган болалар эхокардиографик кўрсаткичлари таҳлили таққосланганда туғма юрак нуқсони билан туғилган чакалоқлар эхокардиографик кўрсаткичлари соғлом болалар эхокардиографик натижаларидан катта эканлиги исботланди. Бундан кўриниб турибдики туғма юрак нуқсонли болаларда юрак ҳажми катталашаётганидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Yuldashevna, S. S. (2022). Analysis of Factors for the Occurrence Congenital Heart Defects in Children. *Miasto Przyszłości*, 24, 179-181.
2. Saidova, S. Y. (2022). Echocardiographic and Anthropometric Analyzes of Children Born with Tetrad of Fallot. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(11), 369-373.
3. Saidova, S. Y. (2021). Revealing echocardiographic and anthropometric changes in children from birth to 3 years old with congenital heart defects. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 1071-1075.
4. Саидова, С. Ю. (2022). Выявление эхокардиографических и антропометрических изменений у детей, рожденных с врожденными пороками сердца (0-1 года). *Журнал биомедицины и практики*, 7(3).
5. Саидова, С. (2021). Юрак туғма нуқсонлари билан янги туғилгандан 3 ёшгача булган болаларда антропометрик ўзгаришларни аниқлаш. *Общество и инновации*, 2(2/S), 439-445.
6. Саидова, С. (2021). Выявление антропометрических изменений у детей от рождения до 3-х лет с врожденными пороками сердца. *Общество и инновации*, 2(2/S), 447-454.
7. Saidova, S. Y. (2021). A study regarding revealing echocardiographic and anthropometric changes in children from birth to 3 years old with congenital heart defects. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 395-399.